SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

ХДР O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 26-yanvar. Payshanba • 12 (32.227) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи

Қадрли дўстлар!

Сизларни ва сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ сана — Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити — тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир. Биз барчамиз мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ана шу том маънодаги бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз — Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республика байналмилал маданият маркази уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам бераётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда. МДҲ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида нодавлат ташкилотларнинг ноёб тизими шаклланганидан далолат беради. Ушбу ташкилотларнинг серқирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб ташкилотлар, ўйлайманки, маданият ва маърифат, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бугун бизнинг барчамиз учун ҳаётий муҳим вазифадир.

Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Биз фақат шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига самарали қарши туришимиз, жамиятимизда турли бузғунчи ғояларга қарши қатъий иммунитет яратишимиз, ўзимиз танлаган демократик тараққиёт йўлида янада салмоқли натижаларга эришишимиз мумкин.

Биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган ана шу масалага бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз, жумладан, миллий маданий марказлар фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур барча ишларни бажарамиз.

Масалан, яқинда менга мослаштирилган биноларда жойлашган қатор марказларнинг бир гуруҳ фаоллари ўзларининг меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш тўғрисида мурожаат қилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган, илгари «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятига тегишли бўлган Бобур кўчасидаги бинони Республика байналмилал маданият марказига беришни ва уни Дўстлик саройи деб номлашни таклиф этаман. Биз мазкур бинони реконструкция қилиш ва унинг атрофини ободонлаштиришни кўзда тутадиган тегишли ҳукумат қарорини қабул қиламиз.

Ана шу бинонинг ёнида жойлашган ва мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ўзининг кўплаб тадбирларини ўтказиб келаётган боғни «Дўстлик боғи» деб номлашни таклиф қиламан.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Н.Арипов тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур боғ ҳудудида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча элу элат вакилларининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари ва пазандачилик анъаналарини намойиш этиши учун павильонлар барпо қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиши зарур.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида Наврўз байрами арафасида очиладиган янги боғ эса энди буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталади.

Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш Республика байналмилал маданият марказининг яна бир долзарб вазифаси, деб ҳисоблайман.

Агар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир миллий маданий марказнинг фаоллари ўзларининг тарихий ватанлари билан маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни янада фаол ривожлантирадиган бўлса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади. Республика байналмилал маданият маркази биз учун муҳим бўлган бу масалада катта вазифани бажариши керак.

Ишонаманки, яна бир таклифни сизларнинг барчангиз қўллаб-қувватлайсиз.

Афсуски, ҳозирги вақтда шундай тажриба шаклланганки, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси турли миллат ва элатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир йилда атиги икки-уч марта, энг аввало, Наврўз байрами кунларида танишиш имкониятига эга, бу албатта етарли эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Республика байналмилал маданият маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимиздаги ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва халқлар вакилларининг бетакрор маданияти, халқ ҳунармандчилиги, анъана ва урф-одатлари билан тизимли ва доимий асосда таништириш бўйича дастур ишлаб чиқиши ва ҳар йили йил давомида уни амалга ошириши айни муддао бўлур эди. Бунинг учун уларга мамлакатимиздаги энг яхши концерт майдончалари, театр саҳналари ва кўргазма залларини бериш керак.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси турли халқлар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитишига, бизнинг кўп миллатли Ўзбекистонимизнинг маънавий ва маданий ҳаётини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Биз сизлар билан мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган жорий йил бошида учрашиб турганимиз чуқур рамзий маънога эга.

Одамларнинг дарду ташвиши, манфаатларини ўйлаб яшаш, аҳоли учун муносиб шароитлар яратиш, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишни давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилаганмиз.

Ишончим комил, сизлар ана шу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этасиз. Халқимиз сизларнинг биз учун ўта муҳим, шунчалик зарур фаолиятингизни юксак қадрлайди ва у муносиб баҳоланмоқда.

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказларнинг юздан ортиқ фаоллари фахрий унвонларга сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Турли миллатлар вакили бўлган 14 нафар фуқаромиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон билан мукофотланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни шахсан танийман, аксариятингизни телевидение, матбуотдаги чиқишларингиз орқали биламан ва бугун бошқаларга ўрнак бўладиган, халқимизнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган яна 20 нафардан зиёд ташаббускор ва фидойи юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишдан хурсандман.

Уларнинг орасида Навоий вилояти Конимех туманидаги қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли Нуркул Базарбаева, Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий маданий маркази раиси Анися Гатауллина, Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси Фаина Голубцова, Хоразм вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси Пўлатбек Изюмов, Жиззах вилояти корейс миллий маданий маркази раиси Олег Ким, Фарғона вилояти яҳудий миллий маданий маркази раиси Семён Абдураҳмонов, Тошкент шаҳридаги литва миллий маданий маркази раиси Лидия Довидайтис, Самарқанд вилоятидаги немис миллий маданий маркази раиси Наталья Кайзер, Нукус шаҳридаги «Славутич» украин миллий маданий маркази раиси Ольга Миронец, Қашқадарё вилоятидаги тожик миллий маданий маркази раиси Абдурасул Эргашев каби юртдошларимиз бор.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Свитанак» белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова, Қашқадарё вилоятидаги араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Ниёзмуҳаммад Панжиев, Бухоро вилоятидаги турк миллий маданий маркази раиси ўринбосари Жума Шукуров, республика озарбайжон миллий маданий марказининг «Озарбайжон қизлари» ансамбли бадиий раҳбари Кайкеп Алиева, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли Аразмухаммет Абаев, Андижон вилоятидаги қирғиз миллий маданий маркази фаоли Умутхон Маматалиева, республика арман миллий маданий маркази фаоли Георгий Сааков ва бошқалар ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар биргаликдаги сайъ-ҳаракатлари билан энг муҳим вазифани бажармоқда, яъни мамлакатимизни ривожлантиришга, унинг маънавий ва инсонпарварлик асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Энди учрашувимизнинг ҳаяжонли қисмига ўтиш — Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, жонажон Ўзбекистонимизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги йўлида беғараз меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизлар билан, кўп миллатли ва меҳнатсевар халқимиз билан биргаликда эркин демократик ва фаровон давлат қурамиз ҳамда кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта эришамиз.

Сизларнинг барчангизга мустаҳкам соғлик ва омад, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин!

Гўзал диёримизда доимо тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин!

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мамлакатимиз фуқароларидан кўплаб таклифлар тушмоқда.

Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2016 йил октябрь ойида Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилгани;

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасида жойлашган жоме масжидга «Ислом ота жоме масжиди» деб ном берилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда «Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифалар топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуасини барпо этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда ғолиб деб топилган ҳайкалларни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислом Каримов туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари биргаликда: Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида (Ўзбекистон кўчаси, 45) Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондини ҳам ушбу манзил бўйича жойлаштириш; Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш;

қуйидаги муассаса ва объектларга:
Тошкент давлат техника университетига;
Асака шаҳридаги автомобиль заводига;
Фарғона шаҳридаги Санъат саройига;
Тошкент халқаро аэропортига;
Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифлари асосида) Ислом Каримов номини бериш;

ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана — 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш. Ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиш;

олий ўқув юртлари талабалари учун Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш;

Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратиш;

Ислом Каримов сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар кенг ёритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 январь

---

## ЎЗБЕКИСТОН – КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ МАМЛАКАТ



2

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2017-yil, 26-yanvar. Payshanba • 12 (32.227)-son
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРНИНГ БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳукм сураётган ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини асраш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда миллий маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

**Базарбаева Нуркул Алимбаевна** — Навоий вилояти Конимех тумани қорақалпоқ миллий маданий маркази фаоли, Конимех туманидаги «Жас тулек» ансамбли бадиий раҳбари

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Миронов Сергей Александрович** — Республика байналмилал маданият маркази директорининг ўринбосари

Юртимизда бағрикенглик, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Муҳаммадиев Насриддин** — Республика байналмилал маданият маркази директори

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абаев Аразмухаммет Аллабаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази фаоли, Тўрткўл тумани «Мекан» газетаси бош муҳаррири

**Алиева Кайкеп Мириевна** — Республика озарбайжон миллий маданий марказининг «Озарбайжон қизлари» ансамбли бадиий раҳбари

**Гатауллина Анися Адихамовна** — Тошкент вилояти Янгийўл тумани татар миллий маданий маркази раиси

**Голубцова Фаина Семеновна** — Сирдарё вилояти рус миллий маданий маркази раиси

**Изюмов Пўлатбек Алламович** — Хоразм вилояти қозоқ миллий маданий маркази раиси

**Каримов Бахтиёр Раҳмонович** — Республика байналмилал маданият маркази фаоли, Тошкент давлат техника университетининг «Фалсафа ва миллий ғоя» кафедраси профессори

**Ким Олег Антонович** — Жиззах вилояти корейс миллий маданий маркази раиси

**Маматалиева Умутхон Ихволовна** — Андижон вилояти қирғиз миллий маданий маркази фаоли, Жалақудуқ туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Эргашев Абдурасул** — Қашқадарё вилояти тожик миллий маданий маркази раиси, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг «Автоматика ва ахборот технологиялари» кафедраси профессори

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахманов Семен Пинхасович** — Фарғона вилояти яҳудий миллий маданий маркази раиси

**Довидайтис Лидия Григорьевна** — Тошкент шаҳар литва миллий маданий маркази раиси

**Кайзер Наталья Филипповна** — Самарқанд вилояти немис миллий маданий маркази раиси, Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**Канаев Динислом Акимбаевич** — Тошкент вилояти қозоқ миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

**Миронец Ольга Артемовна** — Нукус шаҳридаги «Славутич» украин миллий маданий маркази раиси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири

**Мурадов Анвар Маҳмудович** — Наманган вилояти тожик миллий маданий маркази фаоли, «Овози тожик» газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири

**Панжиев Ниёзмуҳаммад Рўзимуҳаммедович** — Қашқадарё вилояти араб миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Миришкор туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

**Сааков Георгий Ашотович** — Республика арман миллий маданий маркази фаоли, «Депи Апага» журнали бош муҳаррири

**Халибаева Нортожи Тоштоновна** — Фарғона вилояти қирғиз миллий маданий марказининг «Сулув қиз» ансамбли бадиий раҳбари, Фарғона туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

**Шайкулов Қурбонмурод Чориёркулович** — Сурхондарё вилояти туркман миллий маданий маркази фаоли, Узун туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Шубникова Нина Афанасьевна** — Тошкент шаҳар «Свитанак» белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари

**Шукуров Жума Котибович** — Бухоро вилояти турк миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Бухоро шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 январь

# ЎЗБЕКИСТОН — КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ МАМЛАКАТ



**«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 24 январь куни Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тадбирга миллий маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари, парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари аввал Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Байрам тадбири очиқ деб эълон қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 24 январь куни миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари билан учрашди. Учрашув қатнашчилари ва улар тимсолида кўп миллатли бутун Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги билан самимий табриклади. Давлатимиз раҳбари миллий маданий марказлар фаолларидан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Тантанали маросимда ана шу тадбир тафсилотлари намойиш қилинди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарорига биноан мамлакатимизда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди.

1992 йили Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг 10 миллий маданий маркази фаолият юритган бўлса, бугун улар 137 тага етди.

— Ўзбекистонда туғилдим, шу ерда таълим-тарбия олдим, оилали бўлдим, шу буюк ва муқаддас Ватан фарзанди эканимдан фахрланаман, — деди Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори, сенатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Агриппина Шин. — Мамлакатимизда миллий маданий ранг-бaранглик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлангани барқарорликни таъминлашда, жамиятимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта тажрибаси бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда, кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар ўтказилди.

— Бугун ҳаётимда жуда қувончли кун, Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Шуҳрат» медалини кўксимга тақиб қўйди, — деди Тошкент шаҳар «Свитанак» белорус миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Нина Шубникова. — Ўзбекистон — тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва бахт мамлакати. Бу муқаддас Ватанда ҳар бир инсон, миллати, дини ва тилидан қатъи назар, меҳнат қилса, халқимиз уни ардоқлайди.

Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган катта байрам дастурида санъат усталари ва миллий маданий марказлар бадиий жамоалари ижросида Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**ЎзА**

Муносабат

# ОЛГАН МУКОФОТИМНИ ЎПИБ, КЎЗИМГА СУРТДИМ...

**Бу — Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони билан «Дўстлик» орденига сазовор бўлган Республика озарбайжон миллий маданий марказининг «Озарбайжон қизлари» ансамбли бадиий раҳбари Кайкеп АЛИЕВАнинг дил сўзлари**



— Бутун умрини, бор кучи ва ғайратини ўзи севган касбга бағишлаган инсон борки, хизматлари қадрланишини, эътироф этилишини хоҳлайди, — дейди Кайкеп Алиева. — Аммо бу кун қачон келишини ҳеч ким билмайди. Кеча мукофот олган бўлсам, бугунгача уни неча марта ўпиб, кўзимга суртганимни тасаввур қила оласизми? Илгари Озарбайжонда хизмат кўрсатган артист унвонини олгандим. Лекин бундай ҳаяжон сира бўлмаган.

Эронда туғилганман. Тақдир тақозоси ила оиламиз билан Ўзбекистонга келиб қолганмиз. Шу ерда ўсиб-улғайдим. Ўзбекистонни ўзимнинг Ватаним деб биламан.

Ўзбекистон ва ўзбек халқини нега севишимни биласизми? Бир гапни баралла айтаман: Эй жаҳон аҳли! Миллатлараро ҳақиқий дўстлик ва тотувликни кўрмоқчи бўлсангиз Ўзбекистонга келинг! Турли халқларнинг бир тану бир жон бўлиб, бир-бирини қўллаб, эъзозлаб келаётганини кўргингиз келаяптими? Марҳамат, Ўзбекистонга келинг!

Дунёнинг айрим мамлакатларида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Комил ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон жаҳоннинг энг тинч давлати.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев ҳақида ҳам фикрларимни айтмасам бўлмайди. Бу инсон халқ ишончига сазовор бўлди. Халқнинг кўнглидан жой олди. Одамларни анча вақтдан бери қийнаб келаётган муаммоларга ҳам ечим топаяптики, буни юксак даражада қадрлаш зарур. Қисқа вақт ичида мамлакат ривожланишининг кейинги стратегиясини ишлаб чиқди ҳамда уни амалга татбиқ этиш учун бир қатор қарор ва фармонларни имзолади. Энг муҳими, халқни тушунаяпти, халқни тинглаяпти.

Президентимизнинг қўлидан мукофотни олар эканман, ўша пайтда дунёда мендан бахтли одам йўқ эди! У кишининг самимий фикрлари ва таклифларини айтмайсизми? Шавкат Миромонович мендан миннатдор эканини билдирди. Уйга қайтар эканман, одам шунчалар ҳам эътиборли бўладими, деб ўйлаб кетдим.

Ўзбекистонда кўп миллатли одамлар яшайди. Шавкат Мирзиёев ҳам Биринчи Президентимиз ишларини давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир одамни тенг кўраяпти. Миллати ва динидан қатъи назар, бирдек муносабатда бўляпти. Ўйлайманки, шу сабабли ҳам Ўзбекистонда тинчлик ҳукмрон. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғишмай кетаяпти. Ўйлайманки, шунинг учун ҳам Ўзбекистонга Яратган одил ва доно раҳбарларни бош қилмоқда...

> Қанча умрим қолганини билмайман. Аммо қатъий қарорга келганман: энг охирги нафасим ҳам Ўзбекистон ҳавоси бўлишини ва Ўзбекистон тупроғида мангу ором топишни истайман.

Озарларда «сизга қурбон бўлай» деган гап бор. Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир чиқишини телевизор орқали кўрганимда, шу гапни беихтиёр айтиб юбораман. Бу инсонга бўлган ҳурматимни намойиш этишдан чарчамайман. Тилагим, Президентимиз соғ-омон бўлсин. Қилаётган хайрли ишларини давом эттиришида Худо куч-қувват ато этсин.

«Озарбайжон қизлари» ансамблимизда ўзбек қизлар ҳам бор. Ўзбек ва озар халқлари қардошлик алоқаларига ўзгача муносабатда бўлиши билан ажралиб туради.

Мен, ўз навбатида, хизматларимиз юзага чиқишида амалий ёрдам бераётган Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази раҳбари Самир Аббосовга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Улар бизга зарур бўлган барча шароитларни яратиб бермоқда.

Ўзбек ва озар халқларини бир-биридан айро тасаввур қила олмайман. Ишонасизми, иккала сўз ҳам менга бир хил эшитилади. Ўзаро мустаҳкам алоқаларимиз абадий бўлишини истайман.

Қанча умрим қолганини билмайман. Аммо қатъий қарорга келганман: энг охирги нафасим ҳам Ўзбекистон ҳавоси бўлишини ва Ўзбекистон тупроғида мангу ором топишни истайман. Шу халқ учун хизмат қилишни ўзим учун олий шараф, деб биламан.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ ёзиб олди.**

Бу муқаддас Ватанда ҳар бир инсон, миллати, дини ва тилидан қатъи назар, меҳнат қилса, халқимиз уни ардоқлайди.

# БУЮКЛАР МЕРОСИ ҲАР ДОИМ ҚАДРЛАНАДИ

**Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг таваллуд куни муносабати билан унинг ҳаёти, фаолияти ва бой меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

Самарқанд давлат университетида ўтказилган тадбирда университет ректори Рустам Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Муҳаммаджон Қуронов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, Тошкент давлат юридик университети доценти Эшмуҳаммад Қодиров ва бошқалар сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани, тарихий ютуқларга эришилгани хусусида сўз юритишди. Ушбу тадбир мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш, Буюк Йўлбошчимиз бошлаб берган бунёдкорлик ишларини муносиб давом эттиришга қаратилгани билан аҳамиятли эканига урғу беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 14 январида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга доимо суянишимизни алоҳида таъкидлади.

Дарвоқе, бу тамойиллар мамлакатимизда бундан кейин ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Биз яхши биламизки, Биринчи Президентимизнинг давлатимиз, халқимиз учун амалга оширган буюк хизматлари ўзлигимизни англаш, инсоний қадр-қимматимиз, урф-одат ва қадриятларимиз, муқаддас ислом динимиз, миллий-маънавий меросимизни тиклаш, алломаларимиз номларини абадийлаштириш, юртимиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод этишда ўз ифодасини топди.

Бундай эзгу ишларга мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ киришилди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, шу жумладан, тарихий шаҳарларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада Имом Термизий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбанд сингари улуғларимиз номи билан боғлиқ қутлуғ масканлар барпо этилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Қўқон, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларимиз янгича қиёфа касб этди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу тарихий шаҳарларда бобомиз Амир Темурнинг ҳайкаллари ўрнатилди. Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуаси ва темурийлар даврига оид бошқа тарихий-маданий объектлар, Шаҳрисабздаги Оқсарой маданий ёдгорлиги ва улар атрофи ободонлаштирилди.

Тадбир давомида шулар ҳақида сўз бориб, Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» бугун ўз натижасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши самараси ўлароқ, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишга, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлган маънан етук, юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар тайёрланмоқда. Бу Буюк Йўлбошчимиз томонидан бошлаб берилган эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ўз мевасини бераётганининг ёрқин тасдиғидир.

Учрашувда Биринчи Президентимиз ҳаёти, серқирра сиёсий фаолияти ва бой илмий мероси барчамиз учун ибрат ва дастуриламал бўлиши таъкидланди. Бу меросни чуқур ўрганиш фарзандларимизни комил инсон этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

— Бугунги учрашуда Биринчи Президентимиз ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кўп маълумотларга эга бўлдик, — дейди университет талабаси Сангин Қурбонов. — Биринчи Президентимиз ҳаёти курашлардан иборат бўлганини чуқур англаб етдик. Биз ёшлар пухта билим олиб, баркамол авлод бўлиб вояга етишимиз учун ҳаловат билмай, меҳнат қилганликлари ҳақида айтилган гаплардан жуда таъсирландим. Биринчи Президентимиз васиятларига содиқ қолиб, аъло ўқишим, юртимизга малакали кадр бўлиб етишишим кераклигини ҳис этдим.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўқиган Самарқанд шаҳридаги 21-умумтаълим мактабидаги учрашув ҳам жуда ҳаяжонли ўтди. Унда кўп савол-жавоблар бўлди. Сўзга чиққан ўқувчилар Ислом Каримов ҳақида шеърлар ўқишди. Улардан бири бу мактабда ўқиётганидан фахрланишини айтди. Биз Биринчи Президентимизга ўхшаб фақат аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қиламиз, деди. Бу сўзлар билан у бутун мактабдошлари фикрини ифода этган эди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган ана шундай ҳаяжонли учрашувлар Ислом Каримов қолдирган буюк мерос — мустақил, барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон Ўзбекистонни асраб-аввайлаш, Буюк Йўлбошчимиз бошлаб берган ислоҳотларни изчил давом эттириш, уларни янги босқичга олиб чиқиш мақсади ҳар биримизни бирлаштириши керак, деган хулоса чиқаришга ундайди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокама этилди.**

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

### фракция йиғилишида муҳокама этилди

Йиғилишда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация қилиш ва либераллаштиришга қаратилган янги тараққиёт босқичи бошланаётгани таъкидланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг кенг муҳокамага қўйилиши давлат ҳокимиятининг демократик асосларини янада мустаҳкамлашга, халқимизнинг энг муҳим қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари ушбу муҳим ҳужжатни ўрганиб, чуқур таҳлил қилиб, таклифлар тақдим қилиши келишиб олинди.

Истиқболда қабул қилинадиган қонунларнинг таъсирчанлиги, самарадорлиги, шунингдек, жойларда уларнинг ижроси ҳолатига депутатлар эътиборини кучайтириш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва назорат тадбирларини ўтказиш чоғида эксперт гуруҳларини фаол жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

**Гўзал САТТОРОВА, ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида жамоат ташкилотларининг ролини оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# ҲАР БИР ХОНАДОН ЭЪТИБОРДА

Оилалар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, долзарб масалаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш механизмлари ҳамда мазкур тизимни мамлакатимиз миқёсида оммалаштиришга оид таҳлилий маълумотлар ҳамда келгусидаги вазифалар хусусида сўз юритилди. Бу борада жорий йилнинг 19-21 январь кунлари Самарқанд вилоятида ташкил этилган амалий семинар якунлари ва ўрганилган тажрибалар ҳақида журналистларга маълум қилинди.

– Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотларининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари билан Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларда бўлдик, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳамадалиев. – Фарҳод шаҳарчаси, Сартепа мавзеси, Каттақўрғон туманидаги «Мўминхўжа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кўплаб хонадонларда очиқ мулоқотлар ўтказдик. Мазкур ҳудудларда бандликни таъминлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига етарли даражада тўлов терминалларини ўрнатиш, имтиёзли банк кредитларини ажратиш, ҳудудни ёритиш, ичимлик суви таъминоти ва транспорт қатновини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, коммунал ва маиший хизмат соҳаларига тааллуқли камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Ўрганишлар якунида ишчи гуруҳлари таҳлилий маълумотларни ҳудудлардаги мутасаддиларга тақдим этди. Аниқ муддатли чора-тадбирлар белгилашга эришилди.

Анжуманда қайд этилишича, аҳоли билан мулоқотлар давомида аниқланган муаммоларнинг аксарияти маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин бўлган ва эътиборсизлик оқибатида келиб чиққан. Жумладан, ҳудудларда китоб дўконлари, савдо шохобчаларининг камлиги, аҳолининг банк хизматларидан хабарсизлиги шулар сирасидан.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўртасида мазкур йўналишда ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**С.ШОЕВА, ЎзА мухбири.**

**«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 10 нафар хотин-қиз 3 шарт бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди. Ҳар бир иштирокчи ўз ишини йўлга қўйиш юзасидан тадбиркорлик лойиҳаларини тақдим этди.**

# Республика босқичига йўлланма

Навбаҳорлик иштирокчи Дилноза Абдураҳмонова «Аёлларни соғломлаштириш маркази» ташкил этиш таклифини илгари сурди.

— Ҳеч биримизга сир эмас, бугун қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти қониқарли даражада эмас, — деди у. — Шу боис ҳам аёлларни соғломлаштириш марказларига эҳтиёж катта. Мен ташкил этмоқчи бўлган марказда гинеколог, невропотолог маслаҳати ва массаж хизмати йўлга қўйилади. Лойиҳани амалга ошириш учун банк кредити зарур. Кредит маблағига замонавий тиббий жиҳозлар харид қилинади. 6 янги иш ўрни яратилади.

Иккинчи шарт ҳам қизиқарли ўтди. «Қонунларимиз — ҳаётимиз асосидир» шартида иштирокчилар қонунларни шарҳлаб берди. Уларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдиришди. «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартида аксарият саволларга тўғри жавоб берилди.

Танлов якунига кўра, 1-ўринни навбаҳорлик иштирокчи Дилноза Абдураҳмонова эгаллади. Энди у танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Ғолиб ва қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



# Партиямизнинг энг фаол аёллари

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи ўтказилди. «Ташаббус ва ғояларимиз мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун!» шиори остида ўтказилган мазкур тадбирда партия Марказий Кенгаши масъуллари, депутатлар, фаоллар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда вилоятда ЎзХДП аъзоларининг 43,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганлиги, уларнинг 35 нафари маҳаллий Кенгашлар депутати экани айтиб ўтилди.

Шартларга пухта ҳозирлик кўрган иштирокчилар ўз билим ва иқтидорини намойиш этишга ҳаракат қилди. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг чиқишларини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, тақдим этаётган лойиҳаларининг ижтимоий йўналтирилганлиги, долзарблигига қараб баҳолади. Иштирокчилар хотин-қизлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Қонунлар шарҳи, сиёсий ҳозиржавобликка оид шартлардан сўнг эса кучли учлик номи аниқланди.

Унга кўра, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси Санобар Қипчақова ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Пайариқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Зилола Расулова иккинчи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тайлоқ туман бўлими етакчиси Дилноза Рустамова учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Истиқбол» ёшлар қаноти

# Ёшлар билан мулоқот

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби координаторлари иштирокида давра суҳбати ўтказди. Тадбирда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масалаларига эътибор қаратилди.**



*Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.*

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшлар орасига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида «Ёшлар — ёшларга» услубида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этиш, тадбирларда ҳамкор ташкилот вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш ҳақида тавсиялар берилди. «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» лойиҳасини самарали амалга ошириш бўйича координаторлар ўз таклифларини билдиришди.

— Президентимиз томонидан танқидий таҳлил асосида айтилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган ғоялар мамлакатимиз ёшларини янада ташаббускор бўлишга чорлади, — деди **Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Абрам Қурбанбаев.** — Президентимиз маърузасида олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш йўналишида вужудга келаётган муаммоларнинг ечими юзасидан берилган топшириқ барча талабаларни қувонтирди.

Чиндан ҳам, ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаётган ёшлар оз эмас. Улар қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож.

— Партиямиз сафидаги ёшлар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича ўзимизга бир қанча вазифаларни белгилаб олдик, — деди **Тошкент шаҳар партия кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Нодира Ғофурова.** — Жумладан, ёшларнинг китоб мутолаасига қизиқишини ошириш, бой тарихимиз ва илм-фан ютуқлари ҳақида тарғибот ишларини мунтазам йўлга қўйишимиз лозим. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан доимий мулоқот қилувчи гуруҳлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давра суҳбатида ёшларни ўйлантираётган масалалар юзасидан таклифлар ўртага ташланди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Бирон-бир оилага нисбатан кам таъминланган, деган ибора ишлатилмаслиги учун уларнинг яшаш шароити яхшиланишига кўмаклашишимиз керак.

# ХАЛҚ БИЛАН БАМАСЛАҲАТ ИШ ТУТИШ

## миллий қадриятларимизга, демократик тамойилларга ҳар томонлама мос келади

**Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари жадал ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.**

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани бу юртга ва унинг халқига бўлган чуқур ҳурмати ва эътиборини кўрсатди. Президентимизнинг ташрифи Қорақалпоғистон ҳаётида янги истиқболларни очиб бермоқда. Икки кун давом этган ташрифда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида халқ вакиллари ва фаоллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Қатор долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар муҳокама қилинди, очиқ-ошкора фикр алмашилди.

Бу ҳудуднинг мураккаб шароити, Орол денгизи билан боғлиқ минтақада юзага келган экологик вазият аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила ва маҳалла институтларига эътибор қаратиш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш каби бир қатор муҳим масалалар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи бу борадаги ислоҳотларга янги куч бағишлади. Халқимизнинг кайфиятини янада кўтариб юборди. Учрашувлар давомида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган долзарб вазифалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаоллари, депутатлар томонидан чуқур ўрганилмоқда.



*Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:*

— Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 10 ноябрь куни Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувда: «Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!», деган сўзлари бутун қорақалпоғистонликларни руҳини кўтариб юборди. Шу билан бирга, «бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз», деган фикрлари бугун ҳаётда ўз ижобатини топмоқда.

Кечаги ташриф ана шу фикр ва ваъдаларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Бу ташриф Қорақалпоғистонни ривожлантириш, бу юртда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, муносиб турмуш шароитлари яратишга йўналтирилган бунёдкорлик ишларини янада изчил давом эттиришга замин бўлади, деб ўйлайман.

Ҳозирда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республика кенгаши, шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларида улуғвор вазифаларни амалга оширишга қаратилган режалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташриф чоғида аҳолининг турмуш шароитлари билан яқиндан танишиб, оддий одамлар билан самимий суҳбатлашди. Имом Эшон Муҳаммад масжидида нуронийлар ҳузурида бўлиб, кекса отахонларнинг дуосини олди, мурувват уйларидаги аҳволга алоҳида эътибор қаратиб, давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Шунингдек, Орол бўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, узоқ овуллардаги ва марказий магистрал йўлларни таъмирлаш, кўплаб тўқимачилик ва бошқа саноат корхоналари барпо қилиш сингари долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Турмуш шароитини яхшилаш учун овулларда истиқомат қилувчи ҳар бир оиланинг 100 та товуқ олиб боқиши учун кредитлар ажратиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Етти хазинанинг бири бўлган паррандачилик қўшимча даромад манбаи эканлиги уқтирилди.

Бу вазифалар партиямизнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир. Шунинг учун Жўқорғи Кенгесдаги партиямиз фракцияси, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз ўз режаларини Президентимиз кўрсатмалари асосида қайта кўриб чиқмоқда.

Халқ қабулхоналари иш бошлаши одамларнинг дарди, ташвиши, муаммоларини чуқур ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Қорақалпоғистоннинг порлоқ келажагини таъминлаш йўлида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳаммамизни янада жипслаштирди, янгича фикрлаб ишлашга ундади. Эндиликда Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз билан маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтиришимиз, депутатлик назоратини тубдан такомиллаштиришимиз керак бўлади.



*Нажиматдин ПАХРАТДИНОВ, Халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:*

— Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида халқ билан мулоқотда бўлиши, уларнинг дардини эшитиши биз, депутатларнинг ҳам кўзимизни очди. Электоратимиз орасига чуқур кириб боришимиз зарурлиги ва кўтарилган муаммоларни ҳал қилишда сусткашликка йўл қўйишимиз мумкин эмаслигини кўрсатиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг аҳоли вакиллари билан учрашувидан биз, депутатлар кўпроқ халқ билан бамаслаҳат иш тутишимиз кераклигини англадик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлиғини асраш, бандлигини таъминлаш борасида қиладиган ишларимиз кўп экан. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бирон-бир оилага нисбатан кам таъминланган, деган ибора ишлатилмаслиги учун уларнинг яшаш шароити яхшиланишига кўмаклашишимиз керак.

Бу борадаги камчиликларимизни бартараф қилиш учун партиямиз электоратини ўйлантираётган муаммолар бўйича мунтазам равишда таклифлар ишлаб чиқишимиз, масалаларни номига ўрганмасдан, уларни сессия муҳокамасига киритишимиз талаб этилади. Ижтимоий соҳага давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг тўғри ишлатилиши бўйича мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Тан олиш керак, партиямиз Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш борасида айрим партия гуруҳлари қонунчилигимизда назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдалана олмаяпти. Шунингдек, сессияларда қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлигига етарлича эътибор берилмаяпти. Бундай сусткашликлар билан кўзланган мақсадларга эриша олмаймиз. Шунинг учун ҳар бир депутатдан халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш, фидойи бўлиш талаб этилади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Медиа-ҳафталик

**Айни кунларда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегияси» лойиҳаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Пойтахтимизда ўтказилаётган медиа-ҳафталик доирасидаги тадбирларда ҳам жамиятимизнинг турли соҳаларини ислоҳ этиш масалалари юзасидан долзарб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.**

# Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари

Ҳафталикнинг иккинчи куни «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари», деб номланган тақдимот билан бошланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Қайд этилдики, демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар кўлами ва миқёси кенгайиб, янги босқичга кўтарилаётир.

Ҳаракат стратегиясига кўра, суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришга қаратилган муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини янада кучайтириш, судьяларни ихтисослаштириш бўйича чоралар кўрилади. Судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг бошқа устувор йўналишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди, қизғин савол-жавоблар бўлди, таклифлар ўртага ташланди. Баҳс-мунозараларда кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этди.

Ҳафталик доирасидаги тадбирлар давом этяпти.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама ва эълонлар

NBU

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

жисмоний шахслар учун миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:

«МАНФААТЛИ»
жамғарма омонати

❖ Омонатни сақлаш муддати — 2 йил.
❖ Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 500 000 сўм.
❖ Омонат қолдиғи 500 000 сўм миқдордан паст бўлмаган ҳолда кирим ва чиқим амалиётлари амалга оширилиши кўзда тутилган.
❖ Қўшимча бадаллар нақд ва нақдсиз пул кўринишида қабул қилинади.
❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.

«ОМОНАТГА ДАРОМАД»

❖ Омонатни сақлаш муддати — 7 ой.
❖ Ҳисобланган фоизлар бўнак сифатида ёки омонат муддати тугагандан сўнг капитализация қилинмаган ҳолда тўланади.
❖ Фоизлар бўнак сифатида тўланганда, қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
❖ Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланса, қўшимча бадаллар нақд пул кўринишида қабул қилинади.
❖ Омонатга маблағ қабул қилиш 2017 йилнинг 9 январидан 31 декабрига қадар амалга оширилади.

«ҚИШ ТУҲФАСИ»

❖ Омонатни сақлаш муддати — 2 ой.
❖ Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг, капиталиция қилинмаган ҳолда тўланади.
❖ Қўшимча бадаллар нақд ва нақдсиз пул кўринишида қабул қилинади.
❖ Омонатга маблағ қабул қилиш 2017 йилнинг 9 январидан 28 февралига қадар амалга оширилади.

**Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни (0- 371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**
**www.nbu.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
► Ямобуры.
► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
► Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138
17031 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:20
Topshirilgan vaqti — 22:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6